Ушбу сонда:

2 Меҳнат ардоқлаган кишилар — ШИФОКОР БАХТИ

3 ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

4 «АВЕСТО»ДА АҲД-ПАЙМОН ТАЛҚИНИ



Инсонга наф келтириш – олий бахт

O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 7 сентябр, жума № 142 (1156)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 6 сентябр куни Оқсаройда Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Камол Харрозийни қабул қилди.***

Айни пайтгача Ўзбекистон ва Эрон ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосини ташкил этувчи ўнлаб ҳужжатлар имзоланган. Шу кунгача Ўзбекистон ва Эрон ўртасидаги савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг учта мажлиси ўтказилган. Уларнинг сўнггиси 2001 йилнинг феврал ойида бўлганди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида икки мамлакат ўртасидаги товар айрбошлаш ҳажми 53,98 миллион АҚШ долларига етди.

Айни пайтда Ўзбекистоннинг импорт-экспорт маҳсулотларини темирйўл орқали ташишда Эрон билан самарали ҳамкорлик қилинмоқда.

Учрашувда томонлар ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш, шунингдек, минтақавий хавфсизлик ва Афғонистондаги вазият билан боғлиқ масалаларда фикр алмашди.

**(ЎзА).**

**Суратда: қабул пайти.**

**А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

***Давлатобод туманида болалар дам олиш маркази очилди.***

## «ОНА ВА БОЛА»

### давлат дастури асосида

Икки гектар майдонда аттракционлар ва ўйин павильонлари жойлашган.

Болалар қизиқиш билан эртаклар шаҳарчаси бўйлаб саёҳат қилишмоқда, мини-аквапарк эса минглаб наманганлик болакайларнинг орзусидир. Марказда турли тўгараклар, спорт секциялари ташкил этилган. Иккита кўргазма залида ёш усталарнинг ишлари намойиш этилади.

Болалар соғломлаштириш маркази «Она ва бола» давлат дастури доирасида бунёд этилди. Уни қуриш ва ободонлаштиришга қарийб 150 миллион сўм сарфланди.

Болалар соғломлаштириш маркази очилишида вилоят ҳокими Т.Жабборов иштирок этди.

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Миллий байрамингиз - Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан Исроил Давлати халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига қутловлар йўллашга ижозат бергайсиз.

Шахсан Сизга чин дилдан омонлик, Ўзбекистон халқига эса бардавом тараққиёт ва равнақ тилайман.

**Моше КАЦАВ,**
**Исроил Давлати Президенти**

***

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Жаноблари,

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Сизга сидқидилдан қутловлар ҳамда мамлакатингизга тинчлик ва равнақ тилаб билдирган энг эзгу истакларимни йўллайман.

Ишончим комилки, Югославия Иттифоқ Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорлик давлатларимизнинг демократик ривожланиши ва тараққий этиши, миллий манфаатлари йўлида бундан буён ҳам авж олиб бораверади.

**Воислав КОШТУНИЦА,**
**Югославия Иттифоқ Республикаси Президенти**

***

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Жаноблари,

Мамлакатингизнинг миллий байрами - Мустақиллик куни билан Сизни самимий муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Ўзбек давлатининг суверенитети эълон қилинганининг 10 йиллиги муносабати билан Сизга бундан буён ҳам муваффақиятлар тилайман.

Чехия Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги муносабатлар шериклик, ишонч ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик руҳида ривожланиб бораверишига ишончим комил.

**Вацлав ГАВЕЛ,**
**Чехия Республикаси Президенти**

***

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами - Мустақиллик куни муносабати билан мўғул халқи ва шахсан ўз номимдан Сизга, бутун ўзбек халқига ғоят самимий қутловлар йўллайман.

Мўғулистон билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари халқларимиз манфаатлари йўлида бундан буён ҳам ривожланиб, кенгайиб бораверишига ишончим комил.

Президент Жаноблари, Сизга сиҳат-саломатлик ва барча эзгуликларни, ўзбек халқига эса тараққиёт ва равнақ тилайман.

**Нацагийн БАГАБАНДИ,**
**Мўғулистон Президенти**

***

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Жаноблари,

Мамлакатингиз Мустақиллигининг 10 йиллик байрами муносабати билан Сизни ва ўзбек халқини муборакбод этаман.

Мамлакатингиз кейинги ўн йил мобайнида Марказий Осиёда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга муҳим ҳисса қўшди, бу эса бепоён Евро-Атлантика кенгликларига бевосита ижобий таъсир ўтказади.

Давлатингиз жаҳон ҳамжамиятининг сиёсий ва иқтисодий тузилмаларига қўшилиб бораётгани ҳамда ислоҳотларни муваффақиятли ниҳоясига етказиш учун уларни изчиллик билан давом эттираётгани ҳам ғоят катта аҳамиятга моликдир. Шу муносабат билан Евро-Атлантика Ҳамкорлик Кенгаши ҳамда «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида НАТО билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик кенгайиб бораётганидан мамнуният изҳор этган ҳолда, бу ҳамкорлик янада мустаҳкамланишига ишонч билдираман.

Самимий эҳтиром ила,

**Жорж РОБЕРТСОН,**
**НАТО Бош котиби**

## ДАСТЛАБКИ МАҲСУЛОТ

***Пастдарғом туманидаги Чархин қўрғонида «Ўзбиокомбинат» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси иш бошлади.***

Шу пайтга қадар бу ердаги кичик корхонада чорва молларини турли касалликларга қарши эмлашда ишлатиладиган оддий дорилар, турли биопрепаратлар тайёрланар эди.

Эндиликда қўшма корхонада куйдирги, оқсил каби юқумли касалликларга қарши қўлланиладиган вакциналар тайёрланади. Бу эса чорвачилик ривожига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган корхонада дастлабки вакциналар ишлаб чиқарилмоқда

## ТУҲФА

***Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ, Андижон вилоятида янги ўқув йили бошланишига 6 та коллеж фойдаланишга топширилди.***

Уларнинг бештаси янги бўлиб, биттаси таъмирланган.

Вилоят марказида ва қатор туманларда бу ўқув муассасалари енгил саноат, қурилиш-коммунал хизмати, қишлоқ хўжалик мажмуи учун мутахассислар тайёрлайди. Ҳар бир иншоот меъёрий муддати 24 ой бўлгани ҳолда, 8-9 ой ичида бунёд этилди.

**(ЎзА).**

*Кичик ва ўрта бизнес —миллий тараққиётга эришишнинг ўта муҳим омили*

## ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА

### САЛКАМ 2,5 МИНГ ХОТИН-ҚИЗ ИЖТИМОИЙ ФОЙДАЛИ МЕҲНАТГА ЖАЛБ ЭТИЛДИ

***Навоий вилоятидаги 794,2 минг нафар аҳолидан 436,8 минг нафари ишга лаёқатли бўлса, шуларнинг қанчаси ўрта ва кичик бизнес субъектларига жалб этилди. Бошқача айтганда, тадбиркорликни ривожлантиришда вилоятда етарли ишлар қилинаяптими?***

Рақамлар шуни кўрсатмоқдаки, вилоятда бугунги кунда кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳиссасига 40 минг нафар киши тўғри келмоқда. Бу албатта, мақтанарли кўрсаткич эмас. 2001 йил дастурига асосан вилоятда 1600 та ана шундай субъектлар ташкил этиш режалаштирилган. Олти ой ичида 794 ўрнига 817 та кичик ва ўрта бизнес субъектлари ташкил этилди. Айниқса, деҳқон хўжаликлари сони режадаги 100 ўрнига 192 тага етказилди. Бироқ фермер хўжаликлари сафини кенгайтиришга сусткашлик билан қаралди. Бу борадаги режа 78 фоизга уддаланди, холос. Шунга қарамасдан, вилоятда янги иш ўринларини яратиш борасида бирмунча ибратли ишлар қилинаётганини таъкидлаш жоиз. Биргина шу йилнинг олти ойи мобайнида режадаги 3200 ўрнига 8520 та янги иш ўрни ташкил қилинди ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилганлар сони 1862 нафар кишига кўпайди. Шундан 4023 нафари қишлоқ жойларига тўғри келгани ва 2486 нафар хотин-қизларга ишлаш имконияти яратилгани айниқса қувонарлидир.

Вилоятда кичик ва ўрта бизнес субъектларига кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш борасида ҳам муайян ишлар қилинди. Шу йилнинг олти ойи мобайнида 1103 нафар киши ўқитилиб, ишлаб чиқариш корхоналарига жўнатилди. Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳузурида ташкил этилган ахборот маркази 1358 нафар тадбиркорга 2,8 миллион сўмлик ёрдам кўрсатди.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш дастури вилоят Адлия бошқармаси билан биргаликда ишлаб чиқилиб, барча шаҳар ва туман ҳокимликларига жўнатилди.

Вилоятда тадбиркорларнинг ариза ва шикоятлари билан ишлаш ҳам бирмунча яхшиланди. Шу йилнинг олти ойида Адлия бошқармасига 51та ариза келиб тушган бўлса, шундан 29 таси жойида ҳал этилган, 6 та ариза юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилган. Қолган аризаларни мутасадди ташкилотлар билан биргаликда ҳал этиш чоралари кўрилмоқда.

Бугунги кунда кичик ва ўрта бизнес шохобчаларини молиявий қўллаб-қувватламасдан туриб ривожлантириб бўлмайди. Шу боисдан ҳам вилоят банклари ўз маблағлари ҳамда бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун 3414,1 миллион сўмлик маблағ жалб этилди. Биргина бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан 181,9 миллион сўм тадбиркорлар ихтиёрига берилди. Вилоятда чет эл сармояларини жалб қилиш борасида Ташқи иқтисодий фаолият банки томонидан 248 минг ЕВРО ажратилган. Ҳозирги кунда вилоят тижорат банклари томонидан 6065 АҚШ доллари миқдоридаги 4 та лойиҳа кўриб чиқилмоқда.

Шунингдек, кичик ва ўрта бизнес субъектларини хомашё, техника билан таъминлаш, улар етиштирган маҳсулотларни сотиш бўйича «Навоийулгуржисавдо» ва «Товархомашё» биржаси томонидан вилоятда 3 марта махсус савдо ярмаркаси ташкил этилди. 189,7 миллион сўмлик шартномалар тузилиб, тадбиркорларга 133 миллион сўмлик материал-техник ёрдам кўрсатилди.

Кўрилаётган тадбирлар дастлабки самарасини бера бошлади. Вилоятда тайёр маҳсулотлар сотиш бўйича ярим йиллик режа 104,6 миллион сўм ўрнига 107 миллион сўмга бажарилди.

Бугунги кунда кичик ва ўрта бизнес субъектларига янада енгиллик яратиш мақсадида товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳузурида кўп тармоқли «Мароқанд» ахборот маркази ва «Ўзкўргазмасавдо» акциядорлик жамиятининг вилоят шўъба корхонаси иш бошлади.

**Ялғош САРИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## ТОВОН ПУЛИ УНДИРИБ БЕРИЛДИ

Жиззах вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитасига Татаристон Республикаси Азнакаев шаҳридан хат келди. Унда Татаристон фуқароси Сирен Аминов муқаддам Мирзачўл туманида яшаб, тракторчилик қилгани, бахтсиз ҳодиса сабабли 2-гуруҳ ногирони бўлиб қолгани тўғрисида гап борарди. Кейин у Татаристонга доимий яшаш учун кўчиб кетади. Амалдаги қонунга биноан ногирон шахсга товон пули ёки пенсия бахтсиз ҳодиса содир қилинган жой - корхона ёки хўжалик ҳисобидан тўлаб борилиши керак.

Аслида ҳам С.Аминовга 1997 йилнинг 22 октябригача «Тошкент» ширкат бирлашмаси томонидан нафақа тўлаб келинган. Шундан сўнг молиявий, иқтисодий қийинчиликлар рўкач қилиниб, нафақахўрга пул юбориш тўхтатиб қўйилган.

Пенсионернинг қонуний ҳимоячиси А.Хамирулина С.Аминовнинг манфаатини муҳофаза этиш мақсадида вилоят АСМ ходимлари қўмитасига мурожаат қилди.

Мазкур мурожаат бефарқ қолдирилмади. Қўмита аралашувидан сўнг «Тошкент» хўжалиги ҳисобидан 183264 сўм пул аризачи номига ўтказиб берилди.

Ўз хизмат вазифасига лоқайдлик билан қараган хўжалик бош ҳисобчиси ҳайфсан билан «сийланди».

**Абдуманнов АЗИМОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*«Ишонч»га жавоб берадилар*

## ТАНҚИД ТАН ОЛИНДИ

Газетамизнинг шу йил 28 мартида «Копток тепаётган овул болалари: уларга қандай шароит яратилган?» сарлавҳаси остида чоп этилган мақолада Беруний туманидаги 10-умумтаълим мактабида 551 нафар ўғил-қиз таълим олишига қарамасдан жисмоний тарбия, спорт ишлари ўлда-жўлдалиги, айрим спорт анжомларини ҳатто ўқувчи ва муаллимлар ўз шахсий жамғармалари ҳисобидан сотиб олишаётгани, жисмоний тарбия дарсларини мутахассислиги бўлмаган ўқитувчилар ўтишаётгани ва бошқа камчиликлар танқид қилинган эди.

Қуйида газетанинг мазкур чиқиши юзасидан таҳририятга келган жавоб хати мазмуни билан танишасиз.

— Мақолада қайд этилган далиллар асосли. Туман мутасадди ташкилотлари масъул вакиллари мақолани муҳокама қилиш чоғида шундай қарорга келдилар. Текшириш жараёнида эса 10-мактабда жисмоний тарбия дарслари қандай ўтилаётгани, спортга чанқоқ ёшлар бўш вақтларини қай тарзда ўтказаётганликлари ва бошқа ҳолатлар пухта ўрганиб чиқилиб, камчиликларни бартараф этиш юзасидан қатор тадбирлар ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ, жисмоний тарбия дарслари мутахассис ўқитувчиларга олиб берилди. Туман халқ таълими бўлими мудири буйруғи билан жисмоний тарбия ва спорт масалаларига эътиборсизлик билан қараган мактаб директори Қ.Қазанатаев эгаллаб турган лавозимидан бўшатилди. Мазкур соҳага тааллуқли фаолият доимий назоратга олинди.

**О.МАТМУРОТОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари.**

# ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

**Республика касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши мажлислар залида Ўрта Осиё Кўзи ожизлар жамиятлари олдида турган муаммоларга бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

Семинарни Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти раиси О.Аҳмаджонов кириш сўзи билан очиб, амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги вазифалар хусусида тўхталиб ўтди. Шунингдек, анжуманда Осиё Кўзи ожизлар уюшмаси Президенти Ғулом Раббоний Батт жаноблари иштирок этди.

Илк бор ўтказилаётган тадбирдан кўзланган мақсад — республика Кўзи ожизлар жамиятига уч йўналишда яъни таълимни ривожлантириш, ходимларнинг соғлиғини тиклаш, уларни иш билан таъминлашда ёрдам беришдан иборат.

Энг долзарб муаммолардан бири эса, бу ногиронларни иш билан таъминлаш масаласидир. Корхоналарнинг хомашёга бўлган эҳтиёжини қондириш масаласи ҳам кўндаланг бўлиб турибди. Бунинг учун мамлакатимизнинг ички имкониятларидан унумли фойдаланиш зарур. Қолаверса, иш билан таъминлаш учун улар бажара оладиган янги меҳнат жараёнларини излаб топиб, амалиётга татбиқ этиш ҳам тақозо этилади.

Бизнинг жамият Осиё Кўзи ожизлар уюшмаси таркибида муҳим ўринни эгаллайди. Шуни ҳисобга олиб, Осиё ва Норвегия Кўзи ожизлар уюшмалари Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамиятига маълум миқдорда маблағ ажратди.

Осиё давлатлари хотин-қизлар қўмитасининг вакили Манжула Гулати сўз олиб, хотин-қизлар олдида турган муҳим вазифаларга тўхталди. Республика Енгил, мебел саноати ва коммунал маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий Қўмитаси раиси Маъмура Одилова ҳам ўз фикрларини баён этар экан, касаба уюшмалари билан жамият ўртасидаги ҳамкорлик яхши самара бераётганлигини қайд этди.

**А. АЛЛАМУРОДОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

**Суратда: семинар иштирокчилари.**
**И.ҲАСАНОВ олган сурат.**



# ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

## Саволингизга ЎзКУФК меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш бўлими мудири Маҳмуджон ИСАЕВ жавоб беради

**САВОЛ: Мен ширкат хўжалигида бригада бошлиғи вазифасида ишлаганман. 1984 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор» унвони билан тақдирланганман. Ишлаган вақтимда ойлик маошимга қўшимча энг кам иш ҳақининг 60 фоизини мукофот тариқасида бериб туришди. 1994 йилдан бошлаб эса «Чолмўмин» алоқа бўлими бошлиғи бўлиб ишлаб келмоқдаман. 1995-96 йиллари энг кам иш ҳақининг 10 фоизини ойлик маошимга қўшимча мукофот тариқасида олиб турдим. Бироқ, 1997 йилдан буён бу қўшимча ҳам тўхтатилди.**

**Шу тўғрида тушунча берсангиз.**

**С.ТОШТЕМИРОВ,**
**Челак тумани.**

**ЖАВОБ**: Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 7 июндаги 274-сонли Қарорига биноан «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор» фахрий унвонига сазовор бўлган шахсларга Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг 60 фоизи миқдорида қўшимча ҳақ тўланиши лозим. Мазкур тўловларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар бюджет, Пенсия жамғармаси, шунингдек, хўжалик ҳисобидаги корхона, ташкилот ва муассасалар ҳисобидан қопланиши белгиланган.

Шу билан бир қаторда Сизга маълум қиламизки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 26 апрелдаги 227-1 сонли қарорининг 5-бандига биноан Ўзбекистон Республикасининг аввалги қонун ҳужжатлари асосида фахрий унвонларга сазовор бўлган фуқароларнинг ана шу қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқлари сақлаб қолинади.

# ГАЗЧИЛАРНИНГ ҚУТЛУҒ ҚАДАМИ

**Тошкентдаги Бизнес марказда Қозоғистон давлат газ узатиш компанияси – “Қозтрансгаз” ваколатхонасининг очилиш маросими ўтказилди.**

- Биз нефт ва газ транспорти миллий компанияси гуруҳига кирамиз ва транспортнинг барча турлари, яъни қувурлар, темир йўл ва денгиз транспортлари орқали углеводородларни етказиб бериш вазифамиз ҳисобланади, - деди “Қозтрансгаз” ЁАЖ президенти Нургали Ашимов “Туркистон-пресс” мухбирига. – Шунингдек биз ўзбек, туркман ва Россия гази экспорти билан шуғулланамиз. Газ узатиш ҳажми йилига 3 миллиард кубометрни ташкил этиб, бу компаниямиз тижоратини муваффақиятли олиб бориши учун бемалол етарлидир.

Н.Ашимовнинг айтишича, “Қозтрансгаз” “Ўзтрансгаз”нинг асосий шерикларидан бўлиб, уларнинг ҳамкорлиги ўзаро манфаатли асосда қурилган. Қозоғистонлик газчилар шерикларидан қарздор эмас ва олдиндан тўлов тизими бўйича ишлайди. Яқинда “Қозтрансгаз” компанияси Жамбул ва Жанубий Қозоғистон вилоятларининг Ўзбекистондан 2,3 миллион доллар миқдордаги қарзларини тўлади.

"Ўзтрансгаз" билан музокаралар олиб борилиб, Қозоғистон жанубини табиий газ билан таъминлаш масаласи муваффақиятли ҳал этилди. Эндиликда “Қозтрансгаз” бир минг кубометр газни Ўзбекистондан 40 доллар баҳосида харид қилмоқда. “Ўзтрансгаз” билан тузилган шартнома узоқ муддатлидир.

— Ўзбекистон мамлакатимизнинг жанубий минтақаларига зангори олов етказишда асосий ўринни эгаллаб қолаверади, — деб таъкидлади Н.Ашимов. “Қозтрансгаз” ваколатхонасининг Тошкентда очилиши Ўзбекистон ва Қозоғистон компаниялари шериклик муносабатларида янги даврни очди.

# СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАРКАЗИ

**Чортоқ туманида “Матлуботчи” деб номланган соғломлаштириш маркази иш бошлади.**

Марказни Наманган вилоят “Матлуботсавдо” ҳиссадорлик компанияси ўз фойдаси ҳисобидан қурди. Компания тизимидаги туман матлубот жамиятлари қошидаги қурилиш ташкилотлари ҳамда компанияга қарашли қурилиш-таъмирлаш корхонаси бунёдкорлари қисқа вақт ичида 150 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажардилар. Соғломлаштириш маркази учун 71 миллион сўмлик жиҳозлар сотиб олинди. Марказда бир йўла 30 киши даволаниб, хордиқ чиқариш имконияти мавжуд.

**“Туркистон-пресс”**

*Газетхон илтимосига кўра*

**Мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тизимини қайта ташкил этишда қадим замонлардан табиий равишда шаклланиб келган ижтимоий ҳаётнинг жамоатчилик муносабатларидан кенг фойдаланилди. Азалдан маҳалла тарбия ўчоғи, Ватан ичра кичик Ватан саналиб келинган. Манбаларда ёзилишича, XIX асрнинг охирларида Тошкентда маҳаллалар сони 150 тага етган. Шайхонтоҳур, Себзор, Кўкча, Бешёғоч даҳаларида тўпланган бой тажрибалар эндиликда ғоятда асқотмоқда.**

# МАҲАЛЛА ТАРБИЯ ЎЧОҒИ

Ҳозирга келиб маҳаллаларга, уларнинг ҳаётимизда тутган ўрнига катта аҳамият берилмоқда. Бозор шароитида аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор қатламларини қўллаб-қувватлаш борасида бу масканларда ибратли ишлар амалга оширилаяпти. Республика Президентининг «Кўп болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонлари фуқаролар йиғинлари, маҳаллалар раислари ва котибларининг масъулиятини ошириш, уларни моддий-маънавий томондан қўллаб-қувватлашнинг кенг имкониятини яратди.

Маълумки, демократик жамият асосини мустаҳкамлаш йўлларидан бири давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини аста-секин фуқаролар йиғинлари ихтиёрига ўтказишдир. Бу маҳалла ва қишлоқларни ривожлантириб бориш кафолатидир. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраштириш ва жазони ижро этиш жойларидан озод қилинган шахсларга ёрдам кўрсатиш комиссиялари иши кенг йўлга қўйилди. Эндиликда аксарият маҳаллаларнинг фаоллари ўз ҳудудларидаги ҳар бир оиладаги шароит, муҳит ҳақида тушунчага эгалар. Бирон кимса ножўя ҳаракат қилса ёки қайсидир хонадонда бегона кишилар истиқомат қилаётган бўлса улар дарров сўраб-суриштирилади. Нуронийлар ножўя хатти-ҳаракат қилаётган, ичкиликка берилган кимсаларни тартибга чақирадилар, уларга панд-насиҳат қиладилар. Саъй-ҳаракатлар зое кетмаётир. Алданган, тажрибасизлик, эътиқодсизлик туфайли кимларнингдир таъсирига берилган баъзи ёшлар тўғри йўлга тушиб, ҳаётда ўз ўринларини, ўз бахтларини топмоқдалар. Шу тариқа, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятининг кўлами тобора кенгайиб бормоқда.

Маҳалланинг ҳаётимиздаги ўрни, аҳамиятини Тошкент туманидаги Қизғалдоқ фуқаролик йиғинига қарашли Навоий маҳалласи мисолида кўриш мумкин. Бу ерда ҳамкору ҳамжиҳатлик тўла таъминланган. Қисқа вақт ичида маҳаллада ҳашар йўли билан кўркам бино қурилди, унинг ёнида боғ яратилди. Ўзбекнинг қадим фазилати — бунёдкорлик ишқи билан яшаш файзли масканни республикамиздаги энг ибратли маҳаллалардан бирига айлантирди. Зеро, хорижлик меҳмонлар — БМТнинг ижтимоий масалалар бўйича вакиллари ҳамда АҚШнинг Калифорния штатилик оилалар билан шуғулланувчи мутахассислар бу ерда амалга оширилган ишлардан ҳайратландилар. Ажойиб инсон Каримжон Ҳайитматов хонадонида бўлган Япония хотин-қизлар қўмитаси делегацияси вакилларининг ушбу маҳалла хусусидаги фикр-мулоҳазалари эса хорижликларнинг ўзбекларга ўзига хос ихлоси-эҳтироми бўлди.

**М.ҒУЛОМОВ,**
**Республика Маънавият тарғиботи марказининг бош маслаҳатчиси, юридик фанлари номзоди.**
**А.ЧЎЛИЕВ,**
**Тошкент Давлат Юридик институти катта ўқитувчиси.**

*Республикамизнинг мафтункор шаҳарлари*

# ТЕРМИЗ ЧИРОЙИ

Байрам арафасида иш бошлаган янги корхона ва муассасалар 2500 йиллик юбилейига қизғин ҳозирлик кўрилаётган Термиз шаҳри ҳамда вилоят туман марказларига янгича чирой бахш этмоқда.

Термиз шаҳри ва Шеробод тумани марказида тиббиёт, Музробод туманида қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди.

500 йўловчига мўлжалланган Термиз темир йўл вокзали янги биносининг мустақиллик байрами олдидан фойдаланишга топширилиши вилоят ижтимоий ҳаётида катта воқеа бўлди.

Шунингдек, Термиз марказида «Озода» супермаркетининг ишга туширилиши ҳам шаҳарликлар учун қулайлик яратди. Бобур номидаги янги истироҳат боғи очилиши термизликларни, айниқса, мамнун этди.

Маннон Уйғур номидаги вилоят мусиқали драма театри биносининг қайта таъмирланиши ва унга ёндош кўркам бинода қўғирчоқ театрининг очилиши ҳам воҳа маданий ҳаётида муҳим янгилик бўлди.

Булар ҳали ҳаммаси эмас. Шаҳарнинг 2500 йиллик юбилейи муносабати билан кўплаб тарихий обидалар қайта таъмирланмоқда. Маъмурий, маданий, маиший бинолар қад ростлаяпти. Ободонлаштириш ишлари давом этмоқда.

**(ЎзА).**



*Маънавиятимиз сарчашмалари*

# «АВЕСТО»ДА АҲД-ПАЙМОН ТАЛҚИНИ

**Аҳдланиш, битим, келишув, мажбурият, ваъда, лафз каби тушунчалар кишилик жамиятини бир маромда юргизувчи энг муҳим тегирмон тошларидандир. Аҳдни аждодларимиз ниҳоятда ардоқлашган, аҳд-паймонга содиқ бўлганлар, уни бузиш, аҳдидан қайтиш номардлик саналган. Чунки ваъдага вафо қилиш фазилатдир, айни вақтда у инсонга катта масъулият юклайди.**

Мард, ростгўй, бағри кенг, кўнгли очиқ, дили пок кишилар учун аҳдида туриш фавқулодда ҳодиса эмас. Аҳдида турувчиларнинг виждони бутун бўлиб, ноҳақликларга муросасиз бўладилар. Боиси улар учун аҳд қасамёддек муқаддасдир.

«Аҳдга вафо — жонга даво» деб бекорга айтилмайди. Қолаверса, аҳднинг катта-кичиги бўлмайди. «Аҳд, — деганди алломалардан бири, — фақат унга риоя қилиш учун эмас, балки кундалик иш ва фаолият учун ҳам зарурдир». Дарҳақиқат, аҳдни, ваъдани ярим-ёрти бажариб бўлмайди. У тўлалигича ўзлигини намоён этади, бус-бутун ҳолда ўзининг асл моҳиятини кўрсатади. Шарқ донишмандларидан бири бу ҳақда шундай деб ёзганди:

*Вафо йўлида гар*
*собитқадам сан,*
*Ки ҳеч кўрмагайсан*
*ранжу ғам сан.*
*Будур пандим*
*сенга, зинҳор-*
*зинҳор,*
*На аҳд этсанг,*
*вафосин қилгил*
*изҳор.*

Ҳа, ваъдага вафонинг натижаси хайрли, оқибати шарофатлидир. Аҳдида турганларнинг нафақат эл олдида юзи ёруғ, балки бу уларнинг етук инсон эканлигини билдирувчи муҳим омил ҳамдир. Ушбу инсоний фазилат «Авесто»да маромига етказиб мадҳ этилган. «Авесто» ҳикматларининг мағзини чақар экансиз, хаёлда йўқ жараёнларга дуч келасиз. Қаранғки, «аҳд»нинг ҳам ўлчови бор экан. Одамлар ўртасидаги «аҳдлашиш», «битим», «келишув», «мажбурият», «лафз», «ваъда»ларнинг ҳам ўз ўрни бўлиб, улар «Авесто»да жуда образли талқин этилади:

*Йигирма каррадир*
*аҳд иккита дўст,*
*Иккита вафоли ёр*
*ўртасида.*
*Ўттиз каррадир у*
*фуқаролараро,*
*Маҳрамлар орасида*
*қирқ каррадир аҳд.*
*Эр ва завжа аро*
*эллик каррадир,*
*Олтмиш каррадир у*
*шогирдлараро.*
*Пир ва мурид аро*
*етмиш каррадир,*
*Қайнота ва куёв*
*ўртасида аҳд*
*саксон каррадир,*
*Тўқсон каррадир у*
*оғалар аро,*
*Ота-ўғил аро юз*
*каррадир аҳд,*
*Иккита эл аро минг*
*каррадир у*
*Ва минг-минг*
*каррадир*
*Моздага иймон:*
*Ортидан келадир*
*қудрат кунлари,*
*Келадир Ғолиблик*
*замонлари.*

Мушоҳада қилганинг сари ҳикматлар обидаси нақадар сарбаланд эканлигига ишонч ортиб бораверади. Чиндан ҳам шундай: у ёки бу киши олдидаги бурчимиз бир хил эмас. Шунга кўра одамларнинг одамлар олдидаги ҳақлари ҳам турличадир.

«Авесто»да бу муаммо аниқ ва тўкис ечиб берилган. Қайси томондан олиб қараманг, «Авесто» ҳикматлари сизни фақат яхшиликка ундайди. Аҳдни бузганлар, сўзида турмайдиганлар лаънатланади. Улар номард саналиб, хиёнатчилар қаторига қўшиладики, бу инсон учун энг оғир жазодир.

*Ҳокимона даҳшат*
*солар,*
*Ҳокимона қутқу*
*солар.*
*Аҳд-вафосиз ва*
*субутсиз*
*Кимсаларнинг*
*каллаларин*
*Узадир ва*
*улоқтирар.*
*Ўз қавмига*
*хиёнаткор*
*Нокасларнинг*
*каллаларин*
*Узиб улоқтирар*
*Митра,*

— дея хиёнаткорлар қандай жазога муносиб эканлиги баён этилади «Авесто»да.

Ҳа, аҳдида турмовчилар, вафосизларнинг қисмати барча замонларда аянчли бўлиб, аёвсиз жазоланган. Бу табиий. Чунки хиёнатчи аралашган юрт бирда бўлмаса бирда жабр-ситамга йўлиқади. Улар ўз вақтида аниқланиб, пайини қирқиш шунинг учун ҳам жоиз эрур. Зеро, бу жамият олдидаги муқаддас бурч ҳамдир.

**Мусоқул УСМОНОВ,**
**профессор.**



Кейинги йилларда мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида оламшумул ишлар амалга оширилди. Натижада инсон саломатлиги учун беқиёс аҳамият касб этувчи сув спорти бўйича ҳам катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Бугун ҳатто республикамизнинг чекка туманларида замонавий сузиш ҳавзалари фаолият кўрсатмоқдаки, бу ютуқларимиз салмоғидан дарак беради.

**Б.ТЎРАЕВ (ЎзА)**
**олган сурат.**


**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ТАНЛОВ САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

*Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!*

**Савдо 2001 йил 18, 26 сентябр кунлари соат 11.00 да ўтказилади.**

**Танлов савдосига қуйидаги объект қўйилади:**

**Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, «Яккасарой» кўчаси, 6-уйда жойлашган Яккасарой туман Халқ таълими бўлимига қарашли 264-сонли Болалар боғчаси.**
**Бошланғич баҳоси - 7 439 849 сўм.**

**Танлов савдосидан Болалар боғчасини сотиб олишнинг шартлари:**

- *Мактабгача болалар муассасасининг фаолият йўналишини ўзгартирмаслик;*
- Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассаса ташкил этиш;
- *Амалдаги талаб ва меъёрларга мувофиқ болалар мактабгача муассаса биносини, иншоотларини таъмирлаш ва қайта қуриш;*
- Боғча ҳудудини санитар талаблар бўйича ободонлаштириш, ёнғинга қарши чора-тадбирларга мувофиқ сақлаш;
- *Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига асосан, болалар билан ишлаш таълим-тарбиявий концепциясига эга бўлиш;*
- Таъсисчилар Низомида педагогик фаолият билан шуғулланиш бандининг мавжуд бўлишлиги;
- *Болаларга хизмат кўрсатиш тарифи бўйича таклиф бериш;*

Объектнинг баҳоси бўйича таклиф бериш.

**Тақдим этилган муҳрланган конвертлардаги бизнес-режалар 2001 йил 18 сентябр ёки 26 сентябрда Республика Биржалар маркази биносининг 3-қаватидаги мажлислар залида очилади.**

*Харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига 3 кун қолганида тўхтатилади.*

*Ушбу объектга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз Республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.*

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, Республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, Республика Кўчмас мулк биржаси.**

**Маълумот учун телефонлар: 136 26 26, 136 28 75**
**Факс: 136 06 17**


*Ибрат*

## МОЛИЯВИЙ РАҒБАТ

Республикамиз мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан аълочи, иқтидорли, ташаббускор ва фидойи ўқувчиларни рағбатлантириш мақсадида Жиззах вилоят ҳокимлигининг молиявий рағбати таъсис этилди. У ҳажми энг кам иш ҳақи миқдорида белгиланиб, 14 нафар ўқувчи ҳар йили ўқув йили якунида тақдирланиб борилади.

Барча фанлар аъло баҳоларда ўзлаштирилиши, ўқувчиларнинг ижодкорлиги ва ташаббускорлиги, хорижий тиллардан бирини яхши билиши, жамоат ишларидаги фаоллиги, компьютерда ишлай олиши, ўзи яшаб турган ҳудуд, хусусан, вилоят тарихини билиши талаб қилинади.

Барча туманлар ва Жиззах шаҳридан 14 нафар ўқувчининг номзоди вилоят комиссиясига тақдим этилди.

*Танлов*

## АВТОҚЎРИҚЧИ

Жиззах вилояти Янгиобод туманидаги 13-ўрта мактабнинг физика ва информатика фани ўқитувчиси Ҳусан Гулмурадов яқинда Тошкентда ўтказилган ихтирочилар кўрик-танловида қатнашиб, фахрли биринчи ўринни олишга муваффақ бўлди. У кўп йиллик фаолияти давомида физика фани бўйича қатор ихтиролар яратди. Хусусан, унинг «Автоқўриқчи» мосламаси республика ихтирочи-ўқитувчилар кўрик-танлови ҳайъат аъзоларининг эътиборига сазовор бўлди.

**Б.НОРҚУЛОВ.**

# КУЗ КЕЛДИ

*Ғалвир сувдан кўтариляпти*

**«Насаф»нинг куни туққанлиги ростга ўхшайди. Осиё чемпионлари Кубоги баҳсларига киришган тиришқоқ жамоа мамлакат чемпионатида ҳам муваффақиятли қатнашишда давом этмоқда.**

Ниҳоят кўпдан буён кутилаётган воқеа юз берди. Қашқадарёнинг бош жамоаси билан карвонбоши «Нефтчи»нинг йўқотган очколари ўртасидаги фарқ энди бор-йўғи бештани ташкил этмоқда. Аввалига «Насаф» мухлислари ўз жамоаларининг Туркманистоннинг «Копетдоғ» клубини сафарда 1:0 ҳисобида таслим этганликлари боис байрам қилган бўлсалар, мана энди кутилмаганда Саркисян шогирдларининг Наманганда маҳаллий «Навбаҳор»га 2:0 ҳисобида ўйинни бой берганликларини нишонлашди.

Шу тариқа ўтказилган ўйинлар тенглашиб, қаршиликлар учун чемпионлик учун курашга қайтадан киришиш имкони пайдо бўлди. Агар жамоалар ўн биттадан учрашув ўтказишларини назарда тутадиган бўлсак, вазият янада ойдинлашади. Бир сўз билан айтганда, «Насаф» азалий орзуси учун баҳсни тўхтатишига ҳали эрта эканлиги маълум бўлиб қолди. Чиқмаган жондан умид, деганларидек бу ёғи Баҳром Ҳакимов шогирдларининг ўзига боғлиқ.

«Навбаҳор» эса ушбу муҳим ғалабадан сўнг турнир жадвалидаги мавқеини янада мустаҳкамлаб олди. Чамаси мураббий Фарҳод Магомедовнинг қадами қутлуғ келган кўринади. Ваҳоланки, йил бошида жамоани бош мураббий Виктор Жалилов ва яна ўн бир футболчи тарк этганида наманганликларда яхши кайфият учун сабаб қолмагандек эди. Йўқ, сендан ҳаракат, мендан баракат, деган гапда ҳикмат кўп экан. Буни «Навбаҳор» клуби аъзолари амалда исботлай билдилар.

Турнирнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Семурғ» — «Андижон» — 0:2, «Металлург» — «Самарқанд-Д» — 1:1, «Кимёгар» — «Трактор» — 2:2, «Сурхон» — «Қизилқум» — 1:0, «Дўстлик» — «Академия» — 3:3, «Пахтакор» — «Сўғдиёна» — 2:1.

### 25-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

| ЖАМОАЛАР | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1.«Нефтчи» | 23 | 19 | 2 | 2 | 67-18 | 59 |
| 2.«Насаф» | 23 | 17 | 3 | 3 | 59-31 | 54 |
| 3.«Навбаҳор» | 24 | 15 | 0 | 9 | 53-33 | 45 |
| 4.«Пахтакор» | 21 | 14 | 1 | 6 | 45-24 | 43 |
| 5.«Дўстлик» | 23 | 12 | 5 | 6 | 51-32 | 41 |
| 6.«Академия» | 23 | 10 | 8 | 5 | 50-27 | 38 |
| 7.«Самарқанд-Д» | 24 | 11 | 3 | 10 | 45-43 | 36 |
| 8.«Қизилқум» | 23 | 10 | 3 | 10 | 32-29 | 33 |
| 9.«Андижон» | 24 | 10 | 3 | 11 | 44-44 | 33 |
| 10.«Зарафшон» | 22 | 9 | 5 | 8 | 35-30 | 32 |
| 11.«Трактор» | 23 | 9 | 5 | 9 | 39-40 | 32 |
| 12.«Бухоро» | 23 | 10 | 2 | 11 | 41-46 | 32 |
| 13.«Сўғдиёна» | 24 | 8 | 4 | 12 | 28-38 | 28 |
| 14.«Кимёгар» | 24 | 5 | 5 | 14 | 21-42 | 20 |
| 15.«Турон» | 23 | 5 | 5 | 13 | 21-48 | 20 |
| 16.«Металлург» | 24 | 4 | 8 | 12 | 22-50 | 20 |
| 17.«Сурхон» | 23 | 6 | 1 | 16 | 24-56 | 19 |
| 18.«Семурғ» | 24 | 2 | 3 | 19 | 27-73 | 9 |



Яқинда Жиззах шаҳридаги зардўзлик цехи тикувчилари Италиядан буюртма олишди. Цехнинг моҳир тикувчилари томонидан таёрланаётган зардўзи тўнлар нафақат вилоят ва республикада ҳатто хорижда ҳам ўз харидорларини топа бошлади. 50 та эркаклар зардўзи тўнлари Италияга жўнатиш учун ҳозирлаб қўйилди.

Чеварлар тайёрлаган «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги» сўзлари ёзилган палаклардан 10 таси Эрон Республикасига экспорт қилинди.

**Суратда: қизлар зардўзи тўнларни кўз-кўз қилишмоқда.**

**Н.БЎРИЕВ олган сурат.**

*Ташаббус*

# САҲНАДА ЎҚИТУВЧИЛАР

*немис тили жамиятининг хайрли ишлари*

**Ўзбекистоннинг барча вилоятларида бўлгани каби Фарғона мактабларида ҳам немис тили ўрганилмоқда. Буни инобатга олиб вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтида немис тили кунини ўтказиш йўлга қўйилди. Тажрибали методист-ўқитувчи Мавлуда Қаҳҳорова ташаббуси билан ташкил этилган бу тадбир немис тили муаллимлари педагогик маҳоратини оширишда муҳим ўрин тутмоқда.**

Институт ҳузурида немис тили жамиятининг очилиши ҳам нур устига аъло нур бўлди. Жамият низомига кўра аҳоли ўртасида немис тилини оммалаштириш ҳам кўзда тутилди. Шу мақсадда саҳна асарлари орқали немис тилини тарғиб қилишга киришилди. Бунинг учун жамият Фарғона драма театри билан ижодий ҳамкорликни йўлга қўйди. Бу алоқанинг дастлабки натижаси ўлароқ, «Кампир топайми, дадажон?» деб номланган асар саҳна юзини кўрди. Шуниси эътиборга сазоворки, бу қувноқ спектакл немис тилида постановка қилинди. Унинг саҳна безакларини Ўзбекистон Миллий академик драма театрининг бош рассоми Бахтиёр Тўраев тайёрлаб берди.

Спектаклдаги бош ролларни Фарғона давлат университетининг бир гуруҳ немис тили ўқитувчилари ўйнадилар. Янги постановка томошабинлар томонидан яхши кутиб олинди.

Шуни мамнуният билан айтиб ўтиш жоизки, мазкур спектакл яқинда Тошкентда ҳам муваффақият билан намойиш этилди.

Гап шундаки, Ўзбекистон пойтахтида республика мактабларида немис тили ўқитувчиларининг биринчи қурултойи бўлиб ўтди. Унинг ишида Германия, Австрия, Швеция мамлакатларининг Ўзбекистондаги элчихоналари масъул ходимлари ҳам иштирок этдилар. Анжуман дастури бўйича фарғоналик ўқитувчилар ижросида постановка қилинган спектакл қурултой делегатларига тақдим этилди.

Мазкур постановка сентябр ойида Германияда ўтказиладиган бадиий ҳаваскорлик жамоалари халқаро фестивалида ҳам кўрсатиладиган бўлди.

**Акбар АЛИЕВ.**

Хоразм вилояти таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси Янгиариқ туман тармоқ касаба уюшма қўмитаси раиси Каримбой Собировга турмуш ўртоғи
**Бекпошша САИДОВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон савдо, умумий овқатланиш, матлубот кооперацияси ва тадбиркорликнинг турли шакллари ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси Наманган вилоят тармоқ касаба уюшма қўмитаси раисининг ўринбосари
**Комилжон МЎЙДИНОВнинг**
бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.


**ISHONCH**

**МУАССИС:** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

**Таҳрир ҳайъати:** Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёкубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.30

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134*

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

*«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.*

Буюртма Г— 2824.

1 2 3 4 5 6